# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 129 (9.626) 2001 йил 5 ноябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 2 ноябрь.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаатномаси ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
7. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
8. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
10. «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тузиш масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисида.
13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
14. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

* * *

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **АЖДОДЛАРИМИЗДАН БИЗГА МУҚАДДАС МЕРОС БЎЛИБ ҚОЛГАН «АВЕСТО» КИТОБИ ВА УНИНГ ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ БЕҚИЁС. ЎТГАН ШАНБА КУНИ АНА ШУ МЎЪТАБАР ЁДГОРЛИК, ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМА «АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРАЗМ ДИЁРИДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҚАТНАШДИ ВА НУТҚ СЎЗЛАДИ.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Австрия Республикаси федерал ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер хонимни қабул қилди. Ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро битим қабул қилинди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелдни қабул қилди. Учрашувда Афғонистон теварагидаги воқеалар ва терроризм муаммоси хусусида сўз борди.

● Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Осиё тараққиёти банкининг (ОТБ) дастурлар департаменти директори Геерт ван дер Линден матбуот анжумани ўтказди.

● Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Бирлашган ҳайъатнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Инвестиция дастури лойиҳаси кўриб чиқилди.

● Хоразмда Маъмун Академиясида «Авесто» ва унинг инсоният тараққиёти тарихидаги ўрни» мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Тошкент Давлат Аграр университетида «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ушбу дорилфунун профессор — ўқитувчилари, талабалар, авестошунос олимлар, шунингдек, хорижлик меҳмонлар иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдан ташқари пленуми бўлди. Унда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши — жамиятни эркинлаштириш борасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотининг муҳим босқичи» ҳақидаги масала муҳокама этилди.

● Касби тумани пахтакорлари Қашқадарёда иккинчи бўлиб зафар маррасига етиб келдилар. Давлатга 62 минг 800 тонна юқори навли саноат хом ашёси етказиб берилди.

● Тошкент бизнес клубида «Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Самарқанд Давлат чет тиллар институтида хушхабар тарқалди. Институтнинг инглиз филологияси факультети учинчи курс талабаси Лутфулла Йўлдошев Москва шаҳрида МДҲ мамлакатлари талабалари ўртасида япон тили бўйича нотиқлик санъати танловида ғолиб чиқди.

● Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Нуротадаги А. Баратов номидаги масъулияти чекланган жамият Навоий кон металлургия комбинати ишчиларига 10 миллион сўмлик махсус иссиқ кийим-кечаклар тайёрлаб берди.

### Жаҳонда

● Гаага шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Нидерландия Қироллиги ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция имзоланди.

● Рейтер ахборот агентлиги Россия Президенти Владимир Путин ва Оқ уй раҳбари Жорж Буш ўртасида АҚШда бўлиб ўтадиган учрашув муддати аниқ бўлганлиги хусусида хабар тарқатди. Унга кўра, икки мамлакат намояндаларининг юзма-юз мулоқотлари шу йилнинг 13-15 ноябрь кунлари Техасда бўлиб ўтади.

● Грузия Президенти мамлакат ҳукуматлари аъзоларининг барчасини истеъфога чиқарганлигини эълон қилган эди. ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳозир мамлакат парламенти раиси, қатор вазирлар ва Бош прокурор ўз лавозимларидан четлаштирилган.

● **Кеча** Ҳиндистон Бош вазири А. Ваджпаи ташриф билан Россияга келди. У Россия раҳбарлари билан икки томонлама ҳамкорлик, ҳудудий ва халқаро масалалар юзасидан суҳбатлашади.

● **Кеча** Монголия Бош вазири М. Энбаяр АҚШга расмий ташриф билан жўнаб кетди.

● Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Сауд ал-Файсал Покистонда бўлди. У Президент Парвез Мушарраф ва ташқи ишлар вазири Абдусаттор билан учрашди.

● Манама шаҳрида Форс кўрфазида жойлашган араб давлатлари ички ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

● «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, шу вақтгача қуруқликка чиқарилган «Курс» атом сувости кемасидан 55 нафар ҳарбийлар мурдаси ва 16 та қанотли ракета олиб чиқилган. Маълумотларга қараганда, атом сувости кемасида яна 6 та «Грант» русумдаги қанотли ракета бор.

● **Кеча** Миср ва Ғазо секторини бир-бири билан боғлаб турувчи ерости йўлининг қулаши натижасида 5 киши ҳалок бўлди.

● **Кеча** эрталаб Камчаткада Рихтер шкаласи бўйича 5 балли куч билан ер силкинди.

● **Кеча** Нюрнбергда нацизм тарихи музейи очилди.

## Қисқа сатрларда

❐ **ЎТГАН** куни «Шератон» меҳмонхонасида «Ўзбекистон — тарихий бурилиш палласида» деб номланган китоб муаллифи таниқли сиёсатшунос Леонид Левитин билан учрашув ўтказилди. Унда китобнинг «Ўзбекистон» нашриёти томонидан ўзбекча варианти ҳам чоп этилганлиги ҳамда кинорежиссёр Владимир Исҳоқов ташаббуси билан ушбу китоб асосида кўп қисмли фильм яратилиши режалаштирилганлиги, фильмнинг биринчи қисми «Имом ал-Бухорий» деб номланиши маълум қилинди.

❐ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги «Конституция» маҳалласида фуқаролар иштирокида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида бўладиган тадбир Яккасарой туман Маънавият ва маърифат маркази ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилмоқда.

❐ **ШАҲРИМИЗДАГИ** Темирйўл касб-ҳунар коллежида ҳам Ҳамза туман ҳокимлиги ва Маънавият-маърифат маркази ташаббускорлигида ўтказилган семинар ҳам миллий истиқлол ғоясига бағишланди.

❐ **АЙНИ** кунларда шаҳримиз аҳолиси Афғонистонда кечаётган терроризмга қарши кураш жараёнини кузатиб, ушбу воқеаларга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Жумладан, Сергели туманидаги Иқтисодиёт коллежида, Мирзо Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалласида, Шайхонтоҳур туманидаги 17-касб-ҳунар мактабида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган тадбирлар қатнашчилари тинчлик учун курашмоқ зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишди.

❐ **ТОШКЕНТ** кимё технологияси институтида талабалар ҳамда олимлар иштирокида ўтказилган анжуман «Маҳаллий кимё маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсиз технологиялари» деб номланди.

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

ҚУРИЛИШ



## Файзли хонадонлар

***Пойтахтимизда қад рослаётган турар жой бинолари кундан кунга кўркамлашаётгани, яшовчилар учун ҳам барча қулайликлар яратилаётгани билан уй эгаларини хушнуд этмоқда. Ана шундай кўплаб оилалар орзиқиб кутаётган кўп қаватли уйлардан яна тўрттаси шаҳримизнинг Нукус кўчасида бунёд этилмоқда.***

«Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 1-капитал қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ғайрат кўрсатаётган ушбу қурилиш майдонида қад ростлаган 1-уй Наврўз байрами арафасида хонадон эгаларига туҳфа этилган бўлса, айни дамларда 12-қавати битаётган 1-«а» уйнинг ҳам, 8 қавати тиклаб бўлинган 2-уйларни янги йил бўсағасида қуриб битказиш кўзда тутилган. Шуниси қувонарлики яшовчилар учун барча қулайликлар инобатга олинган ушбу 12 қаватли кўркам бинонинг хоналари кенг, ички пардоз ишлари эса оила соҳиблари дидига ва талабига асосан бажарилади.

Айни дамда қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишлари кетма-кет олиб борилаётган биноларда 70 нафардан зиёд қурувчилар турли юмушларни сидқидилдан бажаришмоқда. Айниқса, Содиқ Содиқов, Анатолий Дибов, Исомиддин Тошматов, Камол Усмонов сингари бунёдкорлар бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Бош пудратчиларга «Махсусуйжой» масъулияти чекланган жамияти электрчилари, 1-механизация бошқармаси сантехниклари, «Кўприкқурилиш» тресті пардозловчилари яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Қолган иккита уйларда ҳам қазиш ҳамда пойдевор ўрнатиш ишларини бошлаб юбордик, — дейди ишбоши Мирвосиқ Соатов. — Барча ишларни лойиҳа асосида амалга ошираяпмиз ва биринчи навбатда хонадон эгалари меҳнатимиз маҳсулидан хурсанд бўлишини, ушбу уйларда бахтли ҳаёт кечиришларини истаймиз. Шунингдек, уйлар ёнига яшовчиларга қулайлик яратиш мақсадида савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари ҳам қуриш кўзда тутилган. Насиб этса келаётган йилда 105 та оила янги уйларга кўчиб ўтади. Шу ниятда бунёдкорларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**



*СУРАТЛАРДА: қурувчилар Ҳаётулла Маҳкамов, Содиқ Содиқов, Азамат Абдуллаевлар; бўёқчи Хайрулла Мақсудов илғорликни қўлдан бермаяпти; бу уйларда бахтиёр оилалар яшашади.*
*Сергей Любчич олган суратлар.*

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

## Уюшқоқликда ўтмоқда

*Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва шаҳар ҳудудининг санитар ҳолатини яхшилаш бўйича ойлик ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу тадбирга нафақат шу соҳа ходим ва мутахассислари, балки шаҳримиздаги барча маҳалла, ташкилот ва корхоналар жалб этилиб, улар кўчалардаги ариқларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш ва янги кўчатлар экиш ишларини бошлаб юборишди. Биз Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шавкат ЭРГАШЕВдан бу борадаги амалга оширилаётган ишлар кўлами тўғрисида гапириб беришини сўрадик.*

— Маълумки, шаҳримизда бир неча йиллардан буён баҳор ва куз фаслларида ободонлаштириш ойлигини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бундан асосий мақсад шуки, фуқароларимизни бу ишга жалб қилган ҳолда уларнинг кўнглида шаҳримизнинг озодалиги, табиатга бўлган муҳаббатини оширишдир. Шунинг билан бирга маҳаллаларда, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида ҳам бу ишларни олиб бориш, жумладан ҳовли-жойларда, кўп қаватли уйлар атрофида ҳам озодаликка риоя қилиб, дов-дарахтлар, кўчатлар, гуллар экишни ташкил этишдир.

Шаҳар ҳокимининг қарорига асосан ойликни рисоладагидек ўтказиш бўйича шаҳар ҳайъатининг таркибини сайлаб олдик. Ҳайъат аъзолари қилиниши керак бўлган ишларни режалаб, ойликни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. Жумладан, туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, трестлар, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларини ҳамда маҳалла ва мавзелар аҳолисини ойлик мобайнида бириктирилган ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этиб, уларни керак асбоблар, техника ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаб турибди.

Шаҳар ҳудудидаги тўкилган дарахт барглари йиғилиб, махсус ажратилган жойларга мутахассисларнинг маслаҳатлари билан компост қилинмоқда. Чунки бу барглар маълум вақт ўтгандан кейин минерал ўғитга айланади. Шу сабаб ҳам бу юмушлар пухта ўйланган ҳолда олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, яна бир қиладиган ишларимиздан бири бу — Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида барпо этилган иншоотлар атрофига керак бўлган дарахт ёки гул кўчатларини лойиҳага асосан экишдир. Бунга янги қурилган Ўзбекистон миллий театри, Кичик Ҳалқа йўли ва бир нечта ўқув юртларининг атрофлари киради.

Биз ойлик давомида шаҳримиз бўйича 6750 дона манзарали, 4550 дона мевали дарахт, 22500 дона терак, 31500 дона буталарни кўрсатилган жойларга экишни мўлжаллаганмиз. Аммо бундан ташқари ҳамшаҳарларимиз ҳам ўзларининг ҳовлиларига, уйлари атрофига, кўчаларга ўз ихтиёрлари билан кўчатлар ўтқазишади.

Маълумки, айрим ўсимлик ва дарахтлар аҳоли учун зарарли ва заҳарли моддалар чиқариб, мевалар солади. Ана шундай дарахтлардан бири оқ момиқ чиқарадиган терак дарахтидир. Бу дарахтнинг оқ момиқлари айрим кишиларда аллергия қўзғатади. Шундай дарахтлардан 8 мингтаси шаҳримиз ҳудудида борлиги аниқланди. Энди биз ҳар мавсумда аста-секин маълум миқдорда уларни кесиб, ўрнига бошқа кўчатлар экамиз. Шунингдек, манзарасини йўқотган, заркунандалар билан зарарланган бошқа ўсимлик ва дарахтлар ҳам кесиб ташланади.

Бир сўз билан айтганда, бошланган ободонлаштириш ойлиги ҳамжиҳатликда ўтади ва шаҳримиз янада обод, кўркам, озода ва саранжом бўлишига муҳим ҳисса бўлади.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

## Янада обод ва гўзал бўлади

***Ободонлаштириш ойлигини кўнгилдагидек ўтказиш шаҳримиз аҳолиси учун одатий ҳолга айлангани бежиз эмас. Чунки ҳар бир фуқаро ўз шаҳрини янада гўзал, ораста ва обод бўлишини чин дилдан истайди. Фикримиз исботи учун айни кунларда қайси туман ёки маҳаллага борманг, ариқлар тозаланаётганлиги, дарахтлар ўтқазилиб, кўчалар ҳамда хиёбонлар ораста ҳолга келтирилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.***

— Ободонлаштириш ишлари туманимиздаги доимий тарзда давом этадиган жараён ҳисобланади, бунга ҳар ҳафтада шанба кунлари ўтадиган ҳашарлар ҳам мисол бўла олади, — дейди биз билан суҳбатда Яккасарой туман ободонлаштириш бошлиғининг ёрдамчиси Мирзоҳид Абдуқодиров. — Айни кунларда бу юмушга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилди. Туманимиздаги 16 та маҳалланинг барчасида тозалаш ишларига жиддий аҳамият бериляпти, ҳар бир кўча, ҳар бир уй атрофи ораста ҳолга келтирилмоқда. Туманимиз ирригация тармоқлари қайта таъмирланаётганлиги эса барчанинг кўнглидагидек иш бўлди, дейиш мумкин. Кўчалардаги санитария-гигиена қоидаларига зид равишда тўпланиши эҳтимоли бўлган чиқиндиларнинг бартараф этилаётганлиги, турли хил кўчатлар ўтқазилаётганлиги эса қувонарли ҳол. Дарвоқе, йўллар таъмири учун шу кунгача 11 та маҳалла ҳудудига асфальт келтирилиши оқибатида кўчалар текис ва равон бўлди. Тез кунларда қолган 5 та маҳаллада ҳам асфальтлаш ишлари ниҳоясига етказилади.

Суҳбатдошимиз айтганидек, Яккасарой туманининг янада озода, кўркам ва гўзал бўлиши учун анчагина ишлар қилинаётганлигига, ўзимиз шу туманни кезганимизда гувоҳ бўлдик.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитойнинг Тян Цзин шаҳри ҳокимининг ўринбосари Ванг Дианчжи раҳбарлигидаги делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлди.

Учрашувда Тошкент ва Тян Цзин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Хитойлик меҳмонлар ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини айтди. Суҳбат чоғида ҳамкорликда дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, икки ўртадаги савдо алоқаларини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу куни делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, пойтахтдаги корхона ва муассасаларда ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА).**

## ШАҲАР МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

***Шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқармалар раҳбарлари қатнашди.***

Тошкент шаҳар ҳокими, мазкур кенгаш раиси Рустам Шоабдураҳмонов бошқарган ушбу йиғилишда ўтган давр ичида маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар барча жабҳаларда қандай амалга оширилганлиги ҳақида тўхталиб ўтилди ва бугунги кунда долзарб масалаларнинг ҳал этилишида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Маънавият ва Маърифат шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Рихситилла Акромов республикамиз мустақилликка эришгандан буён бошқа соҳалар қаторида маънавий-маърифий ҳаётимизда ҳам кескин ўзгаришлар рўй бергани, бу йўналишдаги ишларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент фармони ва қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, уларни амалга оширишда мутасадди бўлган жойлардаги раҳбарлар томонидан кўлами кенг чора-тадбирлар ўтказилаётгани ҳақида ахборот берди.

Ҳозирги кунда даврнинг ўзи қилинаётган ишларга баҳо бериб, қайси соҳада оқсоқлик бўлаётгани, қаерда эса фаолиятни кучайтириш лозим эканини яққол намоён этмоқда, шу жумладан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларда ҳам. Йиғилиш иштирокчилари бу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдириб, айниқса ёшлар тарбиясига эътиборни қаратиш кераклигини, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, янги авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кўпроқ жамоатчиликни жалб этиш, амалий ишларни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Шаҳар Маънавият ва маърифат маркази раиси Садриддин Салимов, Тарих институти директори Дилором Алимова, Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Рустам Ҳамидов, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислом Зокиров, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ва бошқалар барча тизимларда фаолликни ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларига янгича кун талабига биноан ёндошиш лозимлигини эътироф этишди ва ўз ўрнида бу билан боғлиқ моддий ва молиявий муаммоларни миллий анъаналаримизга таянган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитига асосан ҳал қилиниши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Матбуот хизмати**

## Драматургия ва замонавий қаҳрамон

***Ўзбек Миллий академик драма театрида ёш ижодкорларнинг «Драматургия ва замонавий қаҳрамон» мавзуида семинар-кенгаши очилди. Тадбир Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А. Мелибоев тадбирни очар экан, мамлакатимизда ёш авлодни маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, бу борада халқимизнинг ёшларга ибрат бўладиган буюк намояндалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, навқирон авлодни улардан ўрнак олиш руҳида тарбиялаш ҳам катта ўрин тутади. Бунинг учун тарихимизда ўтган улуғ зотларнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бир ёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳаққоний акс эттириш даркор. Лекин фақат ўтмишдаги сиймолар билан чекланиб қолмасдан, бугунги кун қаҳрамонларини, илғор замондошларимизни ҳам миллат, халқ минбарига кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш керак. Токи, улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган замонавий қаҳрамонлар сиймосини яратиш, бу жараёнга ёш ижодкорларни кенг жалб этиш масалаларига тўхталдилар.

Уч кун давом этадиган семинарда ёш драматургларнинг янги асарлари муҳокама қилинади, таниқли режиссёрлар, театршунослар билан давра суҳбатлари ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МУЛКДОР

**Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг саҳифаси**

МУСОҲАБА

## Сифатли хизмат кўрсатамиз

***Ҳар қандай мамлакат иқтисодий тизимида бозор муносаатлари шароитида биржаларнинг ўзига хос ўрни бор. Биржалар иқтисодиётнинг барометри дейилиши ҳам бежиз эмас. Негаки, биржаларнинг фаолияти ҳар қандай соҳа ва тармоқларга ўзининг катта таъсирини кўрсатади.***

***Ўзбекистон иқтисодиёти бозор муносабатлари талаблари даражасида иш юрита бошлаганидан сўнг мамлакатимизда бир қанча биржалар фаолият кўрсата бошлаган бўлса, улар ичида Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларининг ҳам алоҳида ўрни бор.***

***Республика Кўчмас Мулк Биржаси (РКМБ) Тошкент шаҳар филиалида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси вазифалар ҳақида филиал директори Даврон ДУЛУНБАЕВ билан суҳбатлашдик.***

***— Авваламбор, Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиалининг 2001 йил 9 ойлик фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Давлат мулкларини аукцион, танлов ва биржа савдоларида сотиш орқали хусусийлаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Ушбу тадбирлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Филиалимиз мазкур давр ичида ҳукумат қарорларини бажаришга, кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари, умрбод эгалик қилиб мерос қолдириш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонлари, ундирувга қаратилган мулкларни сотиш юзасидан белгиланган режаларни амалга ошириш ишларини давом эттирди.

Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажаришга алоҳида эътибор берилган. Қарорга асосан талайгина корхоналар хорижий инвесторларга мулк сифатида тўлиқ, ундан ташқари айрим корхоналарнинг активлари биржа ва биржадан ташқари бозорларда эркин сотиладиган, шу жумладан хорижий инвесторларга ҳамда шахсий мулк сифатида сотилиши мўлжалланган.

Ушбу даврда филиалда 109 та савдо — 14 та аукцион ва 95 та биржа савдолари ўтказилди. Ташкил этилган савдоларда 323 та объект (кўчмас мулк, қурилиши тугалланмаган объектлар, автотранспорт воситалари, умрбод эгалик қилиб мерос қолдириш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонлари, ундирувга қаратилган ва бошқа турдаги мулкларни) жами 810148,6 минг сўмга сотилди. Мазкур даврда 67 та давлат объектлари бўйича (ер майдонлари ҳисобга олинган ҳолда) жами 84437,0 минг сўмга битимлар тузилди.

***— Маълумки, биржа орқали уй-жой қуриш учун ер майдонларининг савдоси ҳам ташкил этилади. 2001 йилнинг ўтган даврида ер майдонлари сотилиши қандай бўлди?***

— Президентимизнинг 1994 йил 24 ноябрдаги «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳақида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сонли Қарори фуқароларимизнинг уй-жой билан таъминлаш ва шахсий томорқа хўжалигини юритиш учун қўшимча имкониятлар эшигини очди.

Албатта, Тошкент шаҳрида аҳолининг уй-жойга бўлган талабини эътиборга оладиган бўлсак, бунинг аҳамиятли томонлари жуда катта. Ҳар бир ўзбек хонадони борки, улар бир парча ўз ерим, ҳовли жойим бўлса дейди. Шу сабабдан ҳам шаҳарда уй-жой қуриш учун ер майдонлари савдоси чаққон.

Бу борада шу кунгача, охирги ўтказилган аукцион савдоимиз Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 7 августдаги 370-сонли қарорига асосан амалга оширилди. Яъни, 2001 йил 19 октябрда Юнусобод туманида жойлашган «Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги»га қарашли 5-сон радиостанция ҳудудидаги уй-жой қуриш учун ер майдонлари савдоси ташкил этилди. Ушбу савдода майдони 0,04 га, бошланғич баҳоси 817796 сўм бўлган 30 та ер майдонлари қўйилди ва сотилиш баҳоси 1400,0 минг сўмдан 3600,0 минг сўмгача кўтарилди. Савдо натижасида ер майдонларининг бошланғич баҳосига нисбатан сотилиш баҳосининг ўсиш даражаси 1,71 дан 4,4 баробарни ташкил этди.

***— Ер майдонларини кимлар сотиб олишлари мумкин ва бунинг қандай афзалликлари бор?***

— Аукцион савдолари орқали уй-жой қуриш учун ер майдонларининг умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи сотилади. Савдолар орқали уй-жой қуриш учун ер майдонларини ҳар бир Ўзбекистон фуқароси сотиб олиши мумкин. Бунинг учун савдо бошланишидан олдин ер майдони бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги гаров пулини тўлаб, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш лозим (савдода қатнашиш учун ариза топшириш савдо белгиланган кундан 3 кун олдин тўхтатилади). Биржа орқали аукцион савдоларидан ер майдонларини сотиб олишнинг афзаллиги шундан иборатки, ер майдонлари савдоларга чиқарилишидан олдин Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Меъморчилик ва шаҳар қурилиш Бош бошқармаси томонидан ҳозирги кундаги ва келажакдаги режалари эътиборга олинган ҳолда ўрганиб чиқилади, ғолиб иштирокчига, ҳамма тўловлар амалга оширилганидан сўнг, ўрнатилган тартибда мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилади. Биржа орқали ер майдонини харид қилган шахс ҳеч иккиланмасдан ҳовли қурилишини бошлаб юбориши мумкин.

***— Ўтган даврда қайси тармоқ ва соҳаларга тегишли объектлар кўпроқ сотилди?***

— 2001 йилнинг 9 ойи якунларига кўра объектлар турлари бўйича сон ва сотув ҳажми жиҳатидан автотранспорт воситалари (199 та, 121346,7 минг сўмлик) ва кўчмас мулкларнинг (54 та, 547999,7 минг сўмлик) улуши юқори бўлди. Шунингдек, ушбу даврда 5 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар 60100,0 минг сўмга, 16 та уй-жойлар 33736,0 минг сўмга, 17 та бошқа мулклар 19916,2 минг сўмга сотилди.

***— Маълумки, биржалар фаолиятида брокерларнинг ўзига хос ўрни бор. Филиалда брокерлар фаолияти қандай ташкил этилган?***

— Албатта, ҳар қандай биржа фаолиятини брокерларсиз тасаввур этиш қийин. Брокерлар биржалар фаолиятини ривожлантиришда, олди-сотди шартномалари ҳажмини кўпайтиришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳозирги кунда филиалимизда 38 та брокер ва брокер идоралари фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг аксарияти хусусий тадбиркорлардир. Биз имкон қадар брокерлик идоралари ва брокерлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Негаки, биржада қанчалик кўп брокер фаолият юритса, шунчалик битимлар сони ортиб боради. Бу, албатта, юртимизда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, мулкдорлар синфининг шаклланишига ҳам ҳисса бўлиб қўшилади.

***— Филиал иккиламчи кўчмас мулк бозорини ривожлантириш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?***

— Ҳозирги кунда юртимизда иккиламчи кўчмас мулк бозорини ривожлантириш, тараққий эттириш ва уни ҳар томонлама қулай шароитда амалга ошириш бўйича бир қатор ишларни олиб бормоқдамиз. Бу борада шуни айтиб ўтмоқчиманки, яқинда Республика Кўчмас мулк биржаси, Республика Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти истиқболни белгилаш ва статистика Бош бошқармаларининг таклифларига биноан пойтахтимизда иккиламчи уй-жой бозорини такомиллаштириш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни бажариш мақсадида ҳозирда уй-жой бозорида фаолият кўрсатувчи ташкилотни масъулияти чекланган жамият шаклида барпо этиш борасида ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Бу ташкилотга шаҳар ҳокимияти, ДМК Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги бир қанча ташкилотлар қаторида филиалимиз ҳам таъсисчи сифатида кирмоқда. Ўйлайманки, бу тадбир натижасида шаҳримизда иккиламчи уй-жой бозори билан боғлиқ бўлган хизматлар сифат борасида янги даражага кўтарилади ва янада ривожланади.

Энди ушбу кўламда қилинган ишларга тўхталсак. Жорий йилнинг 9 ойида филиалда 265 та нодавлат объектлари (иккиламчи бозор) 724836,6 минг сўмга сотилган, бу эса умумий қайд этилган битимлар сонининг 82 фоизини ва пул ҳажмининг 89 фоизини ташкил этади. Иккиламчи кўчмас мулк бозори мол-мулклари ундирувга қаратилган корхоналар ҳисобига ҳам ўсмоқда.

Банкротга учраган корхоналарнинг тугатиш комиссиялари, солиқ органлари, хўжалик судининг қарорлари билан савдога чиқарилаётган мол-мулклари филиалимизда ташкил этилаётган аукцион ва биржа савдолари орқали сотилмоқда. 2001 йилнинг 9 ойида банкрот корхоналарнинг 23 та мол-мулки 105612,0 минг сўмга, бюджет олдида қарздор корхоналарнинг 40 та мол-мулки 47043,9 минг сўмга, хўжалик суди қарорлари асосида 7 та мулк 11351,2 минг сўмга сотилган.

Филиалимизда рўйхатга олинган олди-сотди шартномаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йил сайин умумий сотув ҳажмида иккиламчи бозор — нодавлат мулкларнинг улуши ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда мулкдорлар сонининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Шуни таъкидлаш кераккки, шаҳримизда фаолият юритаётган барча ишбилармон ва тадбиркорлар кўчмас мулк, автотранспорт воситалари ва бошқа мулклар сотиб олишларида ёки сотишларида биржамиз мутахассислари ва филиалимизда фаолият юритаётган брокерлар хизматидан фойдаланишлари мумкин. Биз сифатли хизмат кўрсатишга доимо тайёрмиз ҳамда барча юртдошларимизни биржамиз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз!

**Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.**



## Даромадга яраша

*Энг азиз ва бебаҳо неъмат ҳисобланмиш нон нафақат дастурхонимиз безаги, балки кундалик турмушимиз асоси ҳам ҳисобланади. Пойтахтимиз аҳолисини шундай азиз неъмат билан мунтазам таъминлашда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Ғалла-Алтег» акциядорлик жамиятининг ҳиссаси каттадир.*

«Ғалла-Алтег» корхонаси 1995 йилнинг 27 апрелида Республика Давлат Мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси рўйхатидан ўтиб, акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсата бошлади. Низом жамғармаси 85 миллион сўмни ташкил этиб, ҳар бирининг қиймати 500 сўмдан бўлган 171638 та акция чиқарилди. Албатта, корхонада мулк эгасини топгани шунда намоён бўлдики, ҳиссадорлар 1996 йилда ҳар бир акциялари учун 328 сўмдан дивиденд олдилар. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги йилдан йилга орта бориб, олинган фойда ҳам шунга яраша бўлмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойини оладиган бўлсак, 74635 тонна ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,7 фоизни ташкил этди.

Энг муҳими, корхона маҳаллий хом ашё, яъни республикамизнинг Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ғаллакорлари томонидан етиштирилаётган буғдойдан беш турдаги сифатли маҳсулот — манний ёрмаси, макарон уни, олий, 1- ва 2-навли ун ҳамда кепак ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Қарийб 3 йилдан буён 2 турдаги сифатли макарон маҳсулотлари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Корхонада кейинги йиллар мобайнида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам бир неча баробар ортиб, айни вақтда ўртача иш ҳақи 50 минг сўмга етди ва унга қўшимча 50 фоиз мукофот пули ҳам мунтазам тўлаб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, акциядорлик жамиятига айлангач, ҳиссадорларнинг ҳам меҳнатга, мулкка муносабатлари секин-аста ўзгара борди. Бугунга келиб эса улар ўзларини ҳақиқий мулк эгалари деб ҳис этишмоқда. Шу боис ҳам корхона ютуғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилишмоқда.

— Бугунги кунда ўз меҳнатимиздан моддий ва маънавий манфаатдормиз, — дейди ҳиссадор, юк ташувчи Саидраҳмон Зиёхонов. — Акцияларимизга дивидендларни ўз вақтида олиб турибмиз. Шу билан бирга ишчи-ходимларга яратилаётган меҳнат, дам олиш ва соғлиқларини тиклаш шароитларидан ҳам мамнунмиз. Буларнинг барчаси бизни юксак унум билан ишлашга ундайди.

Чиндан ҳам бугунги бозор талаблари асосида меҳнат қилиш учун жамоада барча шарт-шароитлар етарли. Барча цехлар тўла таъмирланди, қўшимча маъмурий бино ишга туширилди, 150 тонналик юк кўтарадиган темир йўл тарозиси иш бошлади ва энг муҳими, ишчи-ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Корхона ҳудудидаги тиббиёт пунктининг гинекология, стоматология, физиотерапия хоналари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ва малакали шифокорлар хизматидан барча баҳраманд бўлмоқда. Ишчилар учун ечиниш, ювиниш хоналари мавжуд.

— Ютуқларимизнинг боиси тадбиркорлик билан изланиб иш юритаётганимиздадир, — дейди бош муҳандис Хайрулла Аҳмадхўжаев. — Ушбу муваффақиятларда оддий ишчидан тортиб билимдон, тажрибали раҳбарнинг ҳам ўз улуши, ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлашим жоиз. Ҳали олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз кўп. Уларни амалга ошириш йўлида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаяпмиз. Албатта, замонавий ускуналар маҳсулот сифати ва меҳнат унумини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам янаги йилга тегирмонни Германиянинг «Бюллер» фирмаси ускуналари билан қайта жиҳозлаш ниятидамиз. Омухта ем ишлаб чиқариш цехи қурилишини бошлаб юбордик. Ушбу цех учун 90 фоиз хом ашёни ўзимиз тайёрлаб берамиз.

«Интилганга толе ёр» дейишади. Акциядорлик жамиятининг ана шундай эзгу ният йўлида интилиб, толе топаётган 350 нафар ишчи-хизматчиси бугуннинг талабини жуда тўғри англашади ва шунга яраша меҳнат қилишмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**



***СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши, макарон цехи оператори Одилжон Каримов ўз ишининг устаси ҳисобланади; маҳсулотнинг сифатли чиқишида техник-лаборант Севара Ризаеванинг ҳиссаси катта.***

***Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.***

***СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...***

## Акциядорлик жамиятлари нима?

***«Акциядорлик жамиятлари қандай турларга бўлинади? Шу ҳақда билишни истаймиз.***

***М.Ғуломов, Н.Очилова, Мирзо Улуғбек тумани».***

Аввало акциядорлик жамияти — бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб у акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади. Акциядорлик жамияти очиқ ва ёпиқ турда бўлиши мумкин.

Очиқ турдаги АЖ — акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларга очиқ обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кичик миқдори — акциядорлик жамияти рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг икки юз карралик миқдорида тенг бўлиши керак.

Ёпиқ турдаги АЖ — бу акциялари номланган (эгаси ёзилган) ва улар фақат акциядорлик жамияти таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлади. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти таъсисчилари камида уч киши, акциядорлар сони эса 50 кишидан ортмаслиги керак. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кичик миқдори —акциядорлик жамияти рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг камида юз карралик миқдорига тенг бўлиши керак.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятини бошқа турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас. Ёпиқ турдаги акциядлорлик жамияти эса ўз акцияларига очиқ обуна ўтказиш ёки уларни фонд бозорига сотиш учун чиқариш йўли билан очиқ акциядорлик жамиятига айланиши мумкин.

САНОАТ

## Оромбахш ва лаззатли

***Республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб қилиш билан сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этади. Хусусан, айни чоғда мамлакатимиз ҳудудида ана шундай юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатиб, улар нафақат ички бозорда, балки экспортбоп бежирим, кўркам саноат, халқ хўжалиги ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. 1995 йили шаҳримизнинг Ҳамза туманида иш бошлаган «Уфқ» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳам ана шундайлар сирасига киради.***

Айни чоғда корхонада юзга яқин турли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, хуштаъмлиги, харидоргирлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Шу сабабли дўконларда «Уфқ» маҳсулотлари узоқ туриб қолмайди, уларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

— Фаолиятимизни бошлаганимизда атиги 3-4 хилдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлсак, эндиликда эса бу кўрсаткич тўқсондан ошиб кетди. Шу билан бирга корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам анча юқорига кўтарилди, — деди биз билан суҳбатда корхона бош мутахассиси Неъмат Файзуллаев. — Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ўзимиздан олинади. Фақатгина оз миқдорда пальма ёғи ва какаони четдан келтирамиз. Сўнгги тўққиз ой давомида 1309 тонна, яъни 534 миллион сўмлик қандолатлар ишлаб чиқардик. Йилнинг охиригача эса 750 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш ниятидамиз. Айни чоғда бизда бундан ҳам кўпроқ қандолатлар ишлаб чиқариш имконияти бор.

Ўтган йиллар давомида корхонамиз томонидан тайёрланган ширинликлар ўз харидорларига эга бўлди. Шу кунгача маҳсулотларимиз ҳақида шикоятлар йўқ.

Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида 50 минг АҚШ долларилик асбоб-ускуналарни чет элдан сотиб олиш учун шартномалар туздик. Шунингдек, корхона жойлашган ҳудуд торлиги сабабли уни кенгайтириш ниятимиз бор. Ҳозир бизда 410 нафар малакали ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишади. Уларнинг ўртача иш хақлари 25-30 минг сўмни ташкил этиб, бепул овқат билан ҳам таъминланган.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

ҲАМКОРЛИК

## Янги уфқлар

***Халқаро ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳасини амалга оширишда Тошкент Давлат техника университети олимлари ҳам фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Бу соҳадаги илмий-амалий изланишлар олий ўқув юртининг хориждаги қатор университет ҳамда илмий марказлар билан алоқаларни ўрнатиш учун пухта замин яратди.***

Университетнинг Германиядаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги айниқса самарали бўлмоқда. Буни Берлин техника университети мисолида яққол кўришимиз мумкин.

— Бу университет билан ҳамкорлик боғлаганимизга унчалик кўп вақт ўтгани йўқ, — дейди олий ўқув юрти халқаро алоқалар бўлими мудири Собиржон Юсупов. — Бизда «Энергетика соҳаси менежменти» ўқув курсини йўлга қўйишда германиялик мутахассис олимларнинг ёрдами катта бўлди.

Ана шу мутахассислик таълимини амалга ошириш учун 289 минг евро миқдорида пул ажратилди. Ҳозир бу курсга профессор Олим Ҳошимов координаторлик қилмоқда.

Германиялик профессор Питер Лейхсенринг ёрдами билан Германиядаги «Сименс» фирмасининг илмий-ўқув маркази очилди. Бу марказ ҳам малакали мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, энергетик мутахассислар тайёрлаш учун мустаҳкам негиз яратилмоқда. «Энергетика, автоматика ва ҳисоблаш техникаси» факультети ўқув негизи янги техникалар билан бойиди. Бу хайрли ишга «Сименс» немис фирмаси ҳам яқиндан бош қўшди. Факультет ҳузурида бир йўла иккита ўқув-тажриба маркази ташкил топди. Уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан қуроллантириш мақсадида фирма 85 минг немис маркаси миқдорида маблағ ажратди.

Гамбург-Гарбург техника университети билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб бормоқда. Бу олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ахборот ва алоқа технологиялари соҳасида магистр курслари учун ўқитувчилар тайёрлаш тадбирлари кўрилди.

Бу ва шунга ўхшаш ўқув, илмий ва техникавий ҳамкорликлар натижаси ўлароқ университетда қатор муҳим лойиҳалар юзага келди. Олий ўқув юртининг бир неча нафар ўқитувчиси ҳамда иқтидорли талабаси Германияга бориб, ўз билими ва малакаларини ошириб қайтди.

Келгусида ҳам ўзбек-немис илмий ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилаверади.

**Акбар АЛИЕВ**

**ОБУНА-2002 • ОБУНА-2002 • ОБУНА-2002**

## Ширинзабон суҳбатдошга ошно бўлинг

Ҳар тонгнинг тароватi, роҳати бор. У кўнглингиздаги эзгу ниятларингизга, орзу-режаларингизга нурли поёндоз ёзади. XXI асрнинг салобати, қудрати эса янада маҳобатли. Шундай қутлуғ кунларда дилингизда нелар бор. Қандай орзу-истаклар Сизга ҳамроҳ. Биз билан ўртоқлашинг.

Ҳурматли журналхон! Сизни «Мулоқот» янги аср мулоқотига чорлайди. Биз Сизнинг ширин сўзларингизга муштоқмиз, орзу-умидларингизга ҳамроҳмиз. Келинг, дил эшигини ланг очиб сўзлашайлик. Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар деганлар. Нималардан сўз бошлайлик, дейсизми? «Мулоқот» журналининг мавзулари чексиз, чегарасиз. Булар орасида бош ва асосий мавзу — **Ҳазрати Инсон.** Унинг иқболи, истиқболи, Ватани, халқи, тарихи, маданияти, мероси, маърифати, ўтмиши, келажаги, дўсти, ағёнлари ва яна қанчалар...

Муштарийлар журналнинг ўтган йилдаги сонларида Шарқнинг буюк даҳолари — Амир Темур, Муҳаммад Хоразмий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Исо ат-Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат каби улуғ зотлар ҳақида мақолалар ўқишди. Журнал ўз ўқувчиларини муқаддас шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Термиз тарихи, бугуни ва иқболи билан таништириб борди. Биз ҳамиша ўтмишнинг энг ёрқин, миллатимизнинг энг шукуҳли онларини фахр билан ёдга оламиз.

«Мулоқот» ижодкорлари ўз анъаналарига содиқ қолиб, янги 2002 йилда ҳам ўз мавзулари доирасини янада кенгайтириш, азиз муштарийларни хушнуд этиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Анъаналарга содиқлик, давомийлик ва изчиллик, қадимийлик ва барқарорлик — журналимиз бош тамойилларидандир. Зеро, биз бугуннинг тарихини, буюк Истиқлол тарихини яратишга муяссар бўлган ижодкорлармиз. Тарихимиз зарварақларида эса чала ва кемтикликка ўрин бўлмаслиги шарт!

2002 йилда ҳам журнал ўз мавзулари доирасини кенгайтиришга, рукнларининг ранг-баранг бўлишига эришади. Иймон, эътиқодга доир, экологик тоза муҳит яратиш, соғлом авлод келажаги учун қайғуриш, юртимизнинг бугуни, келажаги, истиқболига оид турли мавзуларда мулоқотлар ўтказилади. Тадбиркор мулкдорлар, саховатли фермерлар, заҳматкаш пахтакорлар, тиним билмас чорвадорлар, қўли гул боғбонлар ҳақида мақолалар, тизмалар — очерклар эълон қилинади. Шунингдек, муштарийларимизни адабиётимиз ва санъатимиздаги янгиликлар, ёш истеъдодли шоир ва адибларнинг ижод намуналари билан таништириб борамиз. Хуллас, янги йилдан умидимиз кўп, орзу-ниятларимиз бисёр.

Сиз ҳам бизнинг сафимизга қўшилинг, ижод уммонида мавж уринг. Янги йилда ҳам «Мулоқот» ўз муштарийларига бағрини кенг очиб, ҳар бир фуқаро учун яқин дўст, манфаатли ҳамкор, содиқ кўмакдош, ишончли маслаҳатдош бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

**Нашр кўрсаткичлари:**
**Якка обуначилар учун — 844**
**Ташкилотлар учун — 845.**

***Газетхон мулоҳазаси***

## Энг яқин ҳамроҳим

Ҳар ким кун тартиби, йўналишини ўзи бажараётган иши мазмунидан келиб чиқиб белгилайди. Азалдан менинг иш куним эса биринчи навбатда газета мутолаасидан бошланади. Тарки одат амри маҳол, деганларидек ҳозирда меҳнат таътилида бўлсам-да, ҳамон шу ҳаётий қоидага амал қиламан. Эрталаб дилимга яқин бўлган газета ва журналларни харид қилиб, уларни бирма-бир кўздан кечираман, эътиборимни тортган мақолалар билан танишиб чиқаман.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Республикамизда чоп этиладиган биронта оммавий ахборот воситаларини камситмаган ҳолда айтишим мумкинки, мени диққатимни кўпроқ ўзига «Халқ сўзи» ва «Тошкент оқшоми» газеталарида босиладиган мақолалар жалб этади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир сонини мунтазам кузатиб бораман. Бу газеталарнинг менга қадрли томони шундаки, уларда янги-янги мавзулар кўтарилади, ихлосмандларга манзур бўладиган мақолалар ёритиб борилади. Теша тегмаган янгиликлар, изланишлар чоп этилади, мазкур чиқишлар таъсир кучи, мазмундорлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Мана 35 йил бўлдики, «Оқшом» газетаси менинг энг яқин ҳамроҳим бўлиб қолмоқда. Раҳматли Шорасул Зуннун бошлаб берган «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...» рукнли ҳикматлар ва ривоятлар туркуми кимга ҳам манзур бўлмайди дейсиз. Кўпчилик эътиборини ҳамон тортиб келаётганлиги сабабли газета бу мавзуни қўлдан қўймай изчил ёритиб келмоқда. Аллома Турғун Файзиевнинг тарихий ва ахлоқ-одоб мавзуидаги туркум мақолалари ўйлайманки, ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Бундан бир неча ой олдин «Оқшом»нинг бир неча сонида эълон қилинган Бахтиёр Ризонинг «Ўзбек тарихи — ўзлик тарихи» мақоласи ҳамон муштарийлар тилидан тушмайди. Бундан ташқари санъатимиз дарғалари, мунажжим тавсиялари, «Сўранг, жавоб берамиз» мавзуидаги чиқишлар, бозор, савдо ва турли маънавий-маиший рукндаги танқидий мақолаларнинг ёритилиши биз газетхонлар учун фойдадан холи эмас деб ўйлайман.

«Оқшом»нинг яна бир фазилати шундаки, у ҳар бир тошкентлик учун ҳамкор ва ҳамдўст эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Бир мисол. Телефонимиз бироз муддат ишламай қолди. Анча-мунча жойларга мурожаат қилдик. Натижаси бўлмади. Қарасак, иш олдинга босадиган эмас. Охири бу ҳақда «Тошкент оқшоми»га мактуб йўлладик. Газетанинг аралашуви билан истагимиз тезда амалга ошди. Албатта, газета ҳаётидан бундай ижобий мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Газета ва журналларга обуна қизғин давом этаётган айни кунларда «Оқшом»нинг мундарижаси янада бойиди. Ўйлаймизки, бу газета келгуси йилда ҳам тошкентликларнинг энг яқин ҳамкор ва маслаҳатчиси бўлиб қолади.

**Акбар НАБИЕВ, иқтисод фанлари номзоди, меҳнат фахрийси.**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ — 60 ЁШДА

# Ижодингиз гуллайверсин...

***Улкан адиблар ижодининг ўлчов ва мезонларини аниқлаш осон эмас. Боиси, катта санъаткор замон ва маконда Инсон тақдирининг минглаб кўринишларини ифода этиши мумкин ва бу жараён ғоят табиий кечади. Қаҳрамон ёзувчимиз Саид Аҳмад ака айтганларидек, «Йиллар синовига чидайдиган китоблар» ёзаверади. Шундай бахтга мушарраф бўлган атоқли адибларимиздан бири — Ўткир Ҳошимов!***

* * *

Ўткир Ҳошимов биринчи йирик асари — «Чўл ҳавоси» қиссаси биланоқ тилга тушган ёзувчи. Лекин менимча, газетачилик ҳар бир қаламкаш учун ижодининг дастлабки ва зарур мактабидир. Адабиётимизнинг деярли барча машҳур арбоблари ўз фаолиятини газета ёки журналда ишлашдан бошлаган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўртасида, аниқроғи, Тошкент зилзиласидан (1966 йил, 26 апрель тонготарини эсланг!) кейин кўп ўтмай, 1 июлдан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари нашр қилина бошланди. Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон» асарини биринчи бўлиб «Тошкент оқшоми» чоп қилган. Яна ўнлаб ватанпарварлик, бунёдкорлик тўғрисидаги шеърлар, ҳикоялар газеталар саҳифасидан тушмас эди. Ўша йиллари газетанинг адабиёт ва санъат бўлими мудири бўлиб ишлаган Ўткиржон бундай оҳори тўкилмаган асарларни тез топар, муаллифларга буюртмалар берар, бир сўз билан айтганда, «Оқшом»нинг ўқимишли бўлишини таъминлар эди. Газета таҳририяти — тинимсиз қайнаётган дошқозонга ўхшарди. Айниқса, энди ташкил этилган бу — шаҳар газетаси, ўша даврга нисбатан Республикада биринчи «Оқшом» газетаси бўлган эди.

Мен бу газетага «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») дан бўлим мудири лавозимига ўтгандим. Ўша йиллари ёшлар нашридан партия нашрларига ўтиш одат тусига кирган ва менга газета бош муҳаррири Р. Ш. Шоғуломов розилик берган эди. Дастлаб Ўткиржоннинг тиним билмай ишлашини кўриб, ҳайрон қолар эдим. Ҳали мақола ёзади, ҳали муаллиф билан суҳбат қуради, матн кўчирувчи хонасидан ярим кунлаб чиқмайди: қарийб бутун бошли газетанинг муҳим материалларини русчадан ўгиради. Бундай тезкорлик боя айтганимдай фақат газетада ишлаган одамда шаклланади. Албатта, ўзининг таланти ва истеъдодини намоён қилиш майдони ҳам газетачилик касб-кори деб ўйлайман.

Ҳамон эсимда, бир сафар летучкада иқтидорли публицист ва ёзувчи, газета бош муҳаррири, раҳматли Саъдулла Кароматов шундай деб қолдилар:

— Сиз, Ўткиржон, фақат журналист эмас, истеъдодли ёзувчисиз. Нега машбюродан чиқмай қолдингиз. Сиздан бошқа таржимон йўқми? Ҳикоялар ёзинг. Газетамизда яхши асарларингиз чиқиб турсин.

Биз бош муҳаррирнинг гапларига қўшилдик. Саъдулла ака гапида яна давом этдилар:

— Таржима билан Солиҳжон, Алиназар, Усмон Юсупов, Каримжон шуғуллансин...

Газета бош муҳаррирининг ўша пайтдаги ўринбосари, раҳматли Максим Каримов гапга аралашди:

— Саъдулла ака, жуда тўғри айтдингиз. Жадвал билан ишласак, Ўткиржон учун ёзишга имконият яратилади.

Ҳар иккала раҳбар ҳам таниқли ижодкор эди. Саъдулла Кароматов ҳикоя ва қиссалари эълон қилинган истеъдодли ёзувчи бўлса, Максим Каримовнинг «Ўн саккиз ёшлигим» драмаси машҳур бўлиб кетган эди.

«Зар қадрини заргар билади», деганларидек, ижод машаққатини бошдан кечираётган устозлар Ўткиржоннинг ҳам тинмай изланишда бўлиши тарафдори, миллий адабиётимизга ўз дурдоналарини олиб кириши лозимлигини билишган эди.

* * *

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Ўткиржон баъзан ишга кечикиб қоларди. Бир гал таҳририят мажлисида интизом масаласи кўрилди. Шунда ходимлардан бири (майли, исмини айтмай қўяқолай) талаб ҳамма учун бир хил бўлиши керак, баъзилар ишга қачон келиб қачон кетгани назорат қилинмайди, деди. Саъдулла ака кимни назарда тутаяпсиз, деб сўраганда ўша ходим Ўткиржонни айтди.

— Бўпти, — деди Саъдулла Кароматов, — бу масалага алоҳида қайтамиз. Ҳозир эса сиз билан Ҳошимовга топшириқ. Сиз фалон мавзуда, Ўткир фалон мавзуда бир саҳифадан материал тайёрлайсизлар. Кейинги сонда босилиши керак.

Кечқурун соат бешда одатдаги «планировка» бўлди.

— Саҳифа қани? — деб сўради Саъдулла ака бояги ходимдан.

— Улгуролмадим, эртага топшираман, — деди ходим.

Саъдулла ака столи устида турган бир тахлам материалларга имо қилди.

— Ўткир Ҳошимов эса саҳифани икки соатда столга қўйди. Икковларингни орангдаги фарқни энди тушундингизми?.. Менга кун бўйи хонасига кириб олиб қоғоз қиртиллатадиган ходим эмас, иш берадиган одам керак!

Талабчан бош муҳаррирнинг бу гапида ҳақиқат ва бағрикенглик бор эди. Чиндан ҳам адибнинг кўп яхши асарлари «Тошкент оқшоми»да ишлаётган йиллари яратилди. «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Нур борки, соя бор», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак» кабилар ўша йиллари ёзилган.

Ўткиржон ўзига жуда талабчан ёзувчи. Адашмасам, ўша йиллари «Тошкент оқшоми»да унинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари босилган эди. (Турли тахаллуслар билан). Бироқ адиб улардан жуда оз қисмини тўпламларига ки-



ритди. Ҳолбуки уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам китобхонга маъқул келишига шубҳа қилмайман.

Ўткиржоннинг онаси (ҳаммамиз у кишини ойи деб атардик) барчамизни бирдек яхши кўрар, худди «Дунёнинг ишлари»да тасвирлангандек ўта камтар, ўта меҳрибон эдилар. Ўткиржонларнинг шифтига гулқоғоз ёпиштирилган торгина уйига ўнлаб дўстлар бемалол сиғиб кетаверар, ойимиз ҳар биримиз билан айланиб-ўргилиб кўришар эдилар. «Тўлқин ўғлим нега келмади?» (Тўлқин Расулев ҳақида), «Қора болам нега кўринмайди?» (Низом Комилов тўғрисида) сингари саволлар берардилар...

Бир куни адиб уйида ҳашар бўлди. Иш устида мен, Насриддин Муҳаммадиев, Отаёр (Худо раҳмат қилган бўлсин) «Баҳор қайтмайди»даги Алимардон асар охирида ҳалок бўлиши шартмиди, деган масалада гаплашдик.

— Буни мен ҳам истамаганман, — деди муаллиф. — Лекин баъзан қаҳрамон мантиқи ёзувчи мантиқига бўйсунмай қоларкан. Уни мен эмас, ўзи ўлдирди. Алимардон енгилиб яшашдан кўра ўзини нобуд қилишни афзал кўрди. Эҳтимол, бу унинг мардлигидир...

«Нур борки, соя бор» романида лола сайли манзараси ниҳоятда тиниқ тасвирланган. Бу бежиз эмас. Деярли ҳар йили баҳорда Тўлқин Расулев, мен Ўткиржоннинг ҳаворанг «Жигулиси»да Қозоғистон қирларига чиқиб денгиздек чайқалиб ётган лолазорни томоша қилардик. Баъзан баҳор жаласида қолиб кетган пайтларимиз ҳам бўлган (Дарвоқе, романда Шерзод билан Зуҳра ҳам шундай жалада қолади)...

Бир йили Абдуғафур Расулов, Баҳодир Ғуломов, Ўткиржон Қўқонга бордик. Қўқон театрида «Тўйлар муборак» комедиясининг премьераси бўлди. Томошабинлар комедияни қизғин кутиб олишди. Зални тўлдириб ўтирган беш юзга яқин одам қотиб-қотиб кулар, лекин муаллиф негадир жиддий эди. Эртасига саҳналаштирувчи режиссёр ва асарда роль ўйнаган актёрлар билан суҳбатда муаллиф эътироз билдирди.

— Комедия дегани масхарабозлик эмас. Илтимос, артистлар саҳнада қилиқ қилмасин!

Ўйлаб кўрсам, муаллиф тўғри айтган экан. Адиб китоблари ҳақида бошқалар қатори мен ҳам мақолалар ёзганман. Бироқ Ўткир Ҳошимов ижоди ҳақида энг кўп ва теран мақолалар ёзган олим — таниқли адабиётшунос Абдуғафур Расуловдир. Абдуғафур ака, мен, Ўткиржон Жиззахда, Қаршида бўлганимиз, ҳар иккала вилоятда ҳам талабалар адиб асарлари ҳақида завқ ва ҳаяжон билан сўзлаганлари кўз ўнгимда турибди. Домла Расулов Ўткир ижодининг бош йўналишлари — асосан инсонни тасвирлаш эканлигини, унинг ҳикоялари, роман ва қиссаларида миллатнинг ўзига хослиги бетакрор бўёқларда тасвирланганини исботловчи талай мисоллар келтирди. Жиззах институтининг ректори Бозор ака Ўринбоев бошчилигида Бахмалга бордик. Тандир кабоб пиширишни томоша қилдик. Ўткиржон ертандирга осилаётган қўй нимталарини кўриб, негадир хўрсинди. «Одамзот ўз нафсини қондириш учун нималар қилмайди...» деди.

Ўша йиллари Ўткир Ҳошимов асарларини синчиклаб ўқиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатган адиблар орасида Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Носир Фозилов, Ҳасан Тўрабеков, Тўлқин Расулев, Низом Комиловлар айниқса, ажралиб турарди. Айтиш мумкинки, ёзувчининг талай машҳур асарлари дунёга келишида бу дўстларининг ҳам улуши оз эмас. Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Зулфия, Асқад Мухтор, Озод Шарафутдинов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов сингари устозлар эса ёзувчи ижодининг ҳар бир босқичини мунтазам кузатиб бордилар, адибнинг ютуқларидан қувониб, камчилиги бўлса, маслаҳатларини аямадилар.

Ўткир Ҳошимовнинг китобхонга маъқул келмаган, уни лоқайд қолдирадиган асари йўқ. Муаллифнинг нашр этилган элликдан ортиқ китоби ўқувчи қўлидан тушмайди. Олис қишлоқлардаги мактабларда, овлоқ кутубхоналарда ёзувчининг муқоваси йиртилиб, саҳифалари титилиб кетган китобларини кўп кўрганман. Бу — ижодкор учун жуда катта бахт. Шу билан бирга айниқса, «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари», «Икки карра икки — беш», «Тушда кечган умрлар», «Икки эшик ораси» китобларини китобхонлар қўлма-қўл қилиб ўқиганини биламан. Адибнинг яна бир улкан хизмати у адабиётга, умуман, маънавий оламимизга ЎЗБЕК АЁЛИ, ЎЗБЕК ОНАСИ образларини шу қадар унутилмас сиймолар қилиб олиб кирдики, мамлакатимизнинг ҳамма бурчагида Ўткиржонни ўзининг ўғли ҳисоблайдиган оналарни кўрасиз. Бу ҳам ижодкор учун катта бахт.

* * *

Бундан қарийб қирқ йил аввал талаба ёзувчининг биринчи асарига оқ фотиҳа берган ўта талабчан устоз Абдулла Қаҳҳор «бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади», деганда тўғри башорат қилган экан. Ўткирнинг ижоди ҳамон ловуллаб турибди. Мен дўстимнинг ижод лабораториясини кўп кузатганман, ўзининг ибораси билан айтганда «Худо кўнглига солсагина қўлига қалам олишини» биламан. Балки шунинг учун ҳам адиб асарлари китобхон ва томошабинни ларзага солар.

Бугунги кунда Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ардоқли устоз. Унинг ўнлаб шогирдлари адабиёт майдонида минглаб мухлислар ҳурматига сазовор бўлдилар. Хайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Ғаффор Ҳотамов, Носир Муҳаммад, Эркин Усмонов, Қўчқор Норқобил, Шойим Бўтаев, Тўхтамурод Тошев, Мурод Абдуллаев, Акмал Акромов ва бошқалар бугун таниқли ижодкорларга айландилар.

Ҳақиқий халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг роман ва қиссалари, ҳикоя ва драмалари, комедия ва теран публицистик асарлари халқ мулкига айланди. Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида ёзувчининг юксак мукофот — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани фақат адибга эмас, умуман адабиётимизга берилган катта баҳо, десак муболаға бўлмаса керак. Бугунги миллий ғоя ва мафкуранинг тарғиботчиси сифатида ҳам катта хизматлар бажараётган адибни олтмиш ёши билан самимий қутлайман, ижодий парвозлар тилайман!

**Карим НОРМАТОВ,**
**профессор.**

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти атоқли ёзувчининг икки жилдли «Сайланма» асарини эрта-индин китобхонларга тақдим этади.**

* * *

СУРАТДА: Ўткир Ҳошимов оиласи билан.

# Муомала маданияти

МУЛОҲАЗА

***Бу тириклик дунёси нима билан гўзал? Мен унга қисқа ва лўнда қилиб: муомала билан абадий, муомала билан бутун, муомала билан чиройли, муомала билан тирик. Бу дунё муомалали дунё, деган бўлур эдим.***

Инсонни инсонга боғлаб турувчи буюк кўприк нима? Яхшини яхшигачи? Халқларни халқларгачи? Ер юзидаги миллатларни миллатларга боғлаб турувчи илоҳий куч бу — муомала маданияти...

Ҳаммамизга маълумки, одамзот ўз ҳаёти давомида қанча маънавий бойлик орттирар экан, одамнинг бу буюк хазинаси унинг ўзида акс этган тарбияси билан боғлиқ бўлади. Масалан, дейлик кимнингдир муомаласидан ранжиган инсон биринчи бўлиб уни нисбатан «тарбияси йўқ», иборасини ишлатади. Демак инсоннинг қанчалик тарбияли эканлиги унинг бошқалар билан бўлган муомаласида аён бўлади. Ким-ки ширинсўз, очиқ табиат, хушхулқ бўлса, демак у инсон муомалали инсон ҳисобланади. Агар давом эттирадиган бўлсак. Сабр ҳам муомала, сукут ҳам муомала, кам гаплилик ҳам муомала, ҳаттоки эшита билмоқ ҳам муомала маданиятига киради. Инсоннинг муомалалилиги юриш-туришида акс этади. Инсоннинг бир оғиз сўзи унинг кимлигини, қандай инсон эканлигини баён этади. Масалан: хотинингизга сиз деб муносабатда бўлаяпсиз ёки фарзандларингизга ҳам. Бу қандай яхши. Яхши гапга «Илон инидан чиқади» деган нақл бежизга айтилмаган. Нима бўлибди. «Сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади.

Автобусда кетаяпсиз, бир тасодиф ҳодиса туфайли дилингиз хуфтон бўлди. 80 ёшли қарияга жой сўраб олиб бердингиз, ёш йигитдан. Йигит сизга ҳўмрайиб қаради, албатта. Йигитнинг бундай қараши ҳар қандай руҳан, жисмонан соғлом одамнинг руҳиятига таъсир қилмасдан қолмайди. Бояги ёш йигитнинг совуқ муомаласи, совуқ қараши кун бўйи ишингиз беунум, хаёлингиз паришон бўлиб юришига сабаб бўлади.

Бу муомаланинг акси — табассумли, ширин, очиқ чеҳрали муомала. Дейлик, оиладаги онанинг эрига бўлган «адажониси» муомаласи, ширин қизалоғингизнинг «адажон», «ойижон» ёки бобосига «дадажон» дейиши. Ёки онанинг «қизалоғим», «ширинтойим» дегани. Бундай гўзал лутфлар ҳар қандай инсонни аллалайди, ғайратингизни оширади. «Дунё бунчалар гўзал-а» деган фикрга борасиз, шундай пайтларда.

Лутф— деган сўзни ишлатдик. Бир эсланг-а? Яқингиналарда кимдан лутф эшитдингизу ёки бошқачароқ ёндошадиган бўлсак, кимга «лутф қилолдингиз». Шу ҳақда ўйлаб кўрганмисизлар азизларим? Чунки лутф инсон маънавий дунёсининг бой, маданиятининг эса юксак, лафзини ҳалол, фикрини теран қилади. Инсон муомаласининг энг таъсирчанлиги, лутфлилигидан билинади.

Демак, тарбияли инсон ким экан? Кимнинг муомаласи, муомала маданияти юқори бўлса ана ўша инсонгина тарбияли инсондир.

**Насриддин БОТИРОВ**



*Куз манзараси.*

ҚАТРА

***Бу дунё аслида бекатлар дунёсига ўхшайди. Чунки бекатлар дунёнинг ҳамма ерида бор. Бу бекатлар олис-яқин ва қисқа бекатлардир. Бу бекатларда ҳар куни минг-минглаб инсонлар бироз қўним топиб манзилларига шошиладилар. Шу бекатлар орқали ишга отланадилар, бир манзилдан иккинчи манзилга етиб оладилар. Хуллас, бекатлар орқали биз кетамиз ва шу бекатларга қайтиб келамиз. Бекатлар бизни кузатиб ва кутиб олади.***

# Бекат

Бекат. Дилором она шаҳрига етиб келиб поезддан тушганда қуёш ҳам қизариб ўзгача бир ажиб нур таратиб ботмоқда эди. Поезддан тушиб бекатга келиб автобус кутиб анча турди. Қуёш ҳам ботди. Автобус келмади. Хавотир олиб нозимхона ходимидан сўради:

— Бешинчи автобус қачон келади?

— Қизим, автобуслар талабаларни пахта йиғим-теримидан олиб келишга кетган, энди автобуслар келмаса керак, кутиб турманг, — деди.

Дилором шаҳардан қишлоғига кетадиган бекатга юриб келди. Атроф қоронғулашиб кетди. Дилором бу бекатда ҳам анча қолиб кетди. Юлдузлар ҳам жимирлаб чексиз самони тўлдириб, ўзгача гўзаллик бахш этди. Шаҳар чироқлари ҳам юлдузлардек порлаб шаҳарнинг қоронғу йўлларини ёритмоқда. Узун йўлдаги машиналар эса ғизиллаб бирлари у ёкка, бирлари бу ёкка шошиб ўтмоқдалар. Дилором қишлоғига кетадиган автобус келишидан ҳам умидини узиб, такси тўхтатмоқчи бўлди. Аксига олиб улар ҳам оғзиларига келган нархни айтишди. Талабанинг ёнида улар сўраган пул қаёқдан бўлсин. Шу вақт орасида бекатга бир қанча одамлар келиб кетди. Бахтга қарши бирон таниш-билиш ҳам учрамади. Дилором хавотир ола бошлади. Энди йўлдан шошиб ўтган машиналар оқими ҳам сийраклашиб аҳён-аҳён ўта бошлади. Шу пайт кўчанинг нариги томонидан иккита одам шу бекат томон юриб кела бошлади. Улар бекатга келиб ғунғир-ғунғир гаплашиб, алланималар айтиб гоҳида қўшиқ ҳам ҳиргойи қилиб қўйишар, гавдаларини базўр тутар эдилар. Уларнинг кўзи бирдан Дилоромга тушди ва яқинлашиб: «Синглим кеч қолибсиз, нега ёлғиз турибсиз?» деб гап ота бошладилар.

Дилоромни қўрқув босди ва тез-тез юриб кетди. У чопа-чопа, терлаб-пишиб тун қоронғусида югуриб борар экан, хаёлидан нималар ўтмади дейсиз... Йўқ, хайрият, узоқдан уйининг ёнгинасидаги бекат, қадрдон бекат, ҳар доим Дилоромни кузатиб ва кутиб олувчи бекат кўринди. Дилором енгил тин олиб ўзининг қадрдон бекатига салом берди.

**Марҳамат МАТВАФАЕВА**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

## «ХАВОС УЛ-АШЁ»

«Хазина» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан 1990 йилда «Хавос ул-ашё» («Ашёларнинг хосиятлари») номли таржима асарим босилиб чиқди. Бу асар асли форс тилида ёзилган бўлиб, Тошкентда истиқомат қилувчи бир олим томонидан тайёрланган ва шу шаҳарда тошбосма усулида чоп қилинган эди.

**Китоб-китоб эмас, катта хазина,**
**Мазаси тотликда гўё лавзина*.**
**Маънога лиқ тўла ҳар бир варағи,**
**Юксакка чорловчи улуғвор зина.**

Мазкур китобни нашрга тайёрлаган олим ўзидан олдин ўтган табибларнинг асарларини синчиклаб ўрганиб, жинсий ожизликни бартараф қилувчи ва шу иллатга йўлиққанларга куч бағишловчи барча ўсимликларни бир ерга жамлаган эди. Бу асар эркакларни даволайдиган том маънодаги бир мактаб бўлиб, ватанимиз шифокорларини биринчи марта бу ҳақда ўйлашга ва ўсимликларнинг беқиёс хосиятларини ўрганишга даъват этар эди.

**Боболар китоби — «Хавос ул-ашё»,**
**Бизларга хитоби — «Хавос ул-ашё».**
**Йўлимиз қоронғи бўлган замонда,**
**Ёритар офтоби — «Хавос ул-ашё».**

Бу китобга эга бўлган шифокорлар, илм аҳллари ва оддий бирoдарлар ҳам раҳмат изҳор қилардилар.

Бир куни хонамга яқин синглимга айланиб қолган бир олима аёл кириб келди. Сўз «Хавос ул-ашё»га келиб тақалди.

— Кеча уч аёл гаплашиб ўтирган эдик, — сўз бошлади синглим, — фалончи опа: «Маҳмуд Ҳасанийнинг «Хавос ул-ашё» китоби чиқибди, эрим уни сотиб олибди, қўлидан қўймай ўқиб ётибди, ишга кетгач, бир эски латтани олдим-у қўлим ифлос бўлмасин деб, латта билан китобни ушладим, чанг босиб ётаверсин деб, жавоннинг устига отиб юбордим», деб қолди. Мен унга: «Ўзингиз қўлёзма манбалар ичида ишлайсиз, ота-боболаримиз бундай китобни бекорга ёзмаган бўлса керак, уларни халққа етказиб беришсин, деб давлат бизга пул тўлаябди-ку, сизга керак бўлмаса, шундай қўлланма китобларга зориқиб юрганлар бордир», — дедим.

Орадан бирор йилча ўтгач, бир куни хонамга ўша таъриф қилинган аёл қисиниб-қимтиниб кириб келди.

— Ўғлим йигирма олтига кирди, — дея гап бошлади у, — уйлантириб қўяй десам, ҳеч кўнмаяпти. Қизларга қизиқиши йўқ. Доимо ғамгин, хаёл сургани сурган. Уйлантиришдан сўз очсак, «Йўқ, уйланмайман, бу ҳақда оғиз очманглар», дейди. Сиз кўп китоб ўқигансиз, эҳтимол, шундай ҳолатни даволайдиган муолажалар ҳам бордир. Маслаҳат берсангиз.

— «Хавос ал-ашё», — дедим унга.

Аёл қип-қизариб кетди. «Майли, раҳмат» деди-ю бошқа ҳеч нарса демай, чиқиб кетди.

**Қанчалаб одам бор — давога муҳтож,**
**Айтишга қилар ор — давога муҳтож.**
**Жонига қасд қилган ёшларни кўрдим,**
**Оила беқарор — давога муҳтож.**

## ПИЁЛА

Шарқшунослик институтининг Қўлёзмаларни рўйхатга олиш бўлимига ишга келганимда илк марта Абдулла ака Носиров билан танишган эдим. Бу ишчан, олижаноб ва меҳнаткаш инсон менда катта таассурот қолдирган эди. Абдулла ака бошини ишдан кўтармас, институт ҳамда четдан келган олимларга қўлёзмалардан маълумот топишга жон деб кўмаклашар эдилар. Биз Абдулла акани «тирик қомус» дер эдик.

**Абдуллака «тирик қомус» эдилар,**
**Илмгоҳга ору номус эдилар.**
**«Хазина»га келган ҳар бир кишига,**
**Йўлни ёритувчи фонус эдилар.**

Туш пайтида кўпинча раҳматли Усмон Каримов, Усмон Ҳамраев, Тешабой Зиёев ва бошқа олимлар Абдулла ака билан ўтиришиб, чойхўрлик қилишарди. Мен ҳам аксар вақт улар билан бирга бўлардим. Абдулла аканинг хитой пиёласи бўларди. Пиёла икки ердан дарз кетган бўлиб, кўп ишлатилганидан ейилиб, қорайиб, доғ бўлиб кетган эди. Бир куни Тешавой акага:

— Абдулла акага бир янги пиёла совға қилмаймизми, меҳмонлар олдида бу пиёлада чой ичишлари яхши эмас, — дедим.

Тешавой ака:

— Абдулла аканинг олдиларида бу гапни оғзингиздан чиқарманг, — деди. — Пиёла Абдулла акага бир дўстидан ёдгорлик. Бу пиёлани узоқ вақтдан буён асраб, авайлаб ишлатиб келадилар. Биз, синиб қолмасин, деб ҳатто қўлимизни теккизгани ҳам қўрқамиз.

Бир куни чойхўрликдан сўнг, бир хизмат қилай деб, пиёлаларни ювгани олиб чиқдим. Абдулла аканинг пиёлалари қўлимдан тушиб кетиб, иккига бўлинди. Юрагим сиқилиб, босимим кўтарила бошлади. Ўзимни ўзим койий бошладим. Сўнг Тешавой акани чақириб, воқеани айтдим.

— Ишингиз чатоқ, Маҳмуд, — деди Тешавой ака. — Энди эшитадиганингизни эшитасиз. Абдулла ака бизга юз марталаб пиёлани эҳтиёт қилишни буюрар эдилар. Энди биз ҳам гап эшитадиган бўлдик. Абдулла акага бу ҳақда ўзингиз гапиринг, бу ишга мени аралаштирманг.

Ўша куни Абдулла ака пиёланинг синганидан хабар топмадилар. Эртасига уйдан ўша пиёлага ўхшаш бир пиёлани олиб келдим. Пиёла сингани ҳақида икки бетдан иборат катта «Афсуснома» шеърини тўқидим. Шеърни пиёла билан бирга Абдулла аканинг столлари устида қолдирдим. Шеърнинг айрим байтлари қуйидагича эди:

**Бугун ҳолим кўп ёмон пиёлани синдирдим,**
**Қайғуга тўлди жаҳон пиёлани синдирдим.**
**Йўқ бўлди зўр ёдгорлик, бу қандайин бедодлик,**
**Юрак-бағрим лахта қон пиёлани синдирдим.**
**Ўрнига келмас асло, қайдин келди бу бало,**
**Тор бўлди менга замон пиёлани синдирдим.**
**Эй сиз Абдуллоҳ ака, ҳам Мадина, ҳам Макка,**
**Хафа қилдим кўп ёмон пиёлани синдирдим...**
**Кечиринг бу Маҳмудни, эҳтиётсиз беҳудни,**
**Энди йўқ менга омон пиёлани синдирдим.**

Орадан уч кун ўтди. Абдулла ака қаттиқ гапирсалар дилим оғриб, уларнинг суҳбатларидан маҳрум бўлиб қолмай деб, кирмай юравердим. Охири Абдулла ака Тешавойдан: «Нега Маҳмуд кўринмай қолди?» — деб сўрабдилар. «Э, пиёлани синдириб, қўрққанидан кирмай юрибди», — дебди Тешавой ака. Абдулла ака шеърини олган куниёқ бир жавоб ёзиб, менинг киришимни кутаётган эканлар. Тешавой аканинг жавобларини эшитганларидан сўнг, хонамга кириб, столим устида мана бу жавоб шеърни қолдирибдилар:

**Пиёла синса синсин, шунга ҳам шунчамидир,**
**Осмондаги Ойми у ё кўкда Кунчамидир?**
**Удир оддий пиёла, лойдан чиқар зувола,**
**Тенги йўқ гулмидир ё сеҳрли ғунчамидир?**
**Синди дебон пиёла, борманг минг хил хаёла,**
**Ўртада оқибатлар лаҳзаю зумчамидир?**
**Пиёла синса синсин, лекин кўнгил синмасин,**
**Носиҳий ҳеч тушунмас юраги тундчамидир?**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

* Лавзина — бодом мағзидан тайёрланган ширинлик.

## САЛОМАТЛИК ЮГУРИШИ

# «Олтин куз» мусобақаси

***Инсон саломатлиги учун соғломлаштирувчи югуришдан фойдалироқ омил бўлмаса керак. Бўш вақтларида югуриш билан шуғулланган кишиларнинг таналари кислород билан етарли даражада тўйинади, модда алмашинуви жараёни бир меъёрда ишлайди. Натижада камҳаракатлик орқали келиб чиқадиган кўп касалликларнинг олди олинади, айримлари эса шу йўл орқали шифоланиши ҳам мумкин. Энг муҳими, шаҳримизда ҳаваскор югурувчиларнинг кўплаб клублари ташкил этилган бўлиб, уларда югуриш методикаси тўғри йўлга қўйилган. Ушбу клубларга ташриф буюрсангиз 60, 70, 80 ёшли кексаларнинг ўз соғлиқларини тиклаётганликларини кўриб югуришнинг соғлиқ учун нақадар фойдали эканлигига ўзингиз тан берасиз.***

***Шаҳримизда пойтахт жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ташаббуси билан йил давомида югурувчилар ўртасида кўпгина мусобақалар уюштириб турилади. Шаҳарда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатувчилар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Олтин куз» саломатлик югуриши мусобақалари ҳам шулар жумласидандир.***

**КЕЧА**

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси, Республика Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг спорт қўмитаси, Миробод туман ҳокимлиги ва ушбу туман спорт қўмитасининг ташкилотчилигида Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган енгил атлетика бўйича «Олтин куз» саломатлик югуриши мусобақалари «Биз халқаро террорчиликка ва гиёвандликка қаршимиз» шиори остида бўлиб ўтди. Унда шаҳримизнинг барча туманларидан ҳаваскор югурувчилар клублари аъзолари, йигирма ёшдан юқори бўлган жисмоний тарбия соҳаси ходимлари, фахрийлар, коллежлар ва олий ўқув юртларининг талабалари бўлмиш жами тўрт юздан ортиқ киши иштирок этди.

Мусобақаларнинг илк бор 42 мамлакатни ўзига бирлаштирган Осиё қитъаси олимпия Кенгаши ҳомийлигида ташкил этилиши ҳам бежиз эмас. Бу йил ООК югурувчилар кунини ташкил этишга қарор қилди ва уни ўтказувчи етти мамлакатдан бири сифатида Ўзбекистон танлаб олинди. Бу юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган муҳим эътибор учун берилган муносиб баҳодир.

Иштирокчиларни Ўзбекистон МОҚ президенти С. Рўзиев, МОҚ бош директори И. Барабан, Миробод тумани ҳокими ўринбосари Б. Дадабоев, мусобақанинг энг кекса қатнашчиси 83 ёшли С. Митягинлар қутлаб омад тилагач, рамзий тарзда баҳсни эртанги кунги умидларимиз бўлмиш боғча болалари бошлаб беришди.

Биз қизиқарли беллашувлар давомида унинг айрим иштирокчиларини суҳбатга тортдик.

— Бир умр югуришга ошно бўлганлигим сабабли етмишдан ошган бўлсамда ҳамон ўзимни тетик ва бардам ҳис қиламан, — дейди «Икар» ҲЮК аъзоси Николай Татаринов. — Югуриш бўйича ўтказиладиган барча мусобақаларда қатнашишга ҳаракат қиламан. Жумладан, шу йил 9 сентябрда Москвада ўтказилган халқаро жаҳон марафони мусобақаларида Ўзбекистондан ягона вакил сифатида қатнашиб, ўз ёш гуруҳимда 26 иштирокчи ўртасида 42 километр 195 метр масофада 4 соату 44 дақиқа натижа кўрсатиб тўққизинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Насиб этса 2003 йили жаҳон марафони югуришида тўртинчи бор қатнашишга ҳаракат қиламан.

Ҳозирги кунда эса келаси йил февралда нишонланадиган клубимизнинг ўттиз йиллигига қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

— Бу гал 41-50 ёшлилар ўртасида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим, — дейди «Башари» ўзбек-турк қўшма корхонасининг ходими Элдор Шайхуддинов. — Ўзим ёшликдан енгил атлетика билан шуғулланганман. Бўш вақтларимда турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан саломатлик-югуриши билан шуғулланамиз. Барча мусобақаларда мунтазам қатнашиб тураман. Ҳозир февраль ойида фахрийлар ўртасида ўтказиладиган енгил атлетика бўйича республика чемпионатига тайёрланяпман.

Умуман олганда, мусобақалар жуда қизиқарли ўтди. Унда «майдон эга»лари — мирободликлар ўзларининг саломатлик югуришига ҳақиқатан ҳам ошно эканликларини ўз натижалари билан исбот этишди. Хусусан, 20-30 ёшли аёллар ўртасида 500 метр масофага югуришда Замира Амирова, 41-50 ёшли аёллар ўртасида 300 метр масофада Елена Якушколар ғолиб чиққан бўлса, 31-40 ёшли эркаклар баҳсида эса 1 ва 2-ўринларни Миробод тумани вакиллари Василий Медведев ва Исоқ Позиловлар эгаллашди. 51-40 ёшли ҳамда 61 ва ундан юқори ёшдаги аёллар ўртасида Сергели тумани вакиллари Альфия Қосимова ва Галина Пивоваровалар барча рақибларидан устун келишди. 61 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар ўртасида Мадарим Галимзянов (Мирзо Улуғбек тумани), 20-30 ёшли эркаклар баҳсида эса Михаил Гадельшин (Юнусобод тумани)лар ғолиб чиқишди. 51-60 ёшгача эркаклар ўртасида ғалаба Бектемир туманилик Габдурашит Зокировга кулиб боқди.

Мусобақа қатнашчилари Осиё олимпия Кенгашининг югуриш либослари, ғолиб ва совриндорлар эса қимматбаҳо совғалар ҳамда мазкур Кенгашнинг диплом-сертификатлари билан тақдирланди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



*СУРАТЛАРДА: Фурқат боғида ўтказилган саломатлик югуришидан лавҳалар.*

*Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.*





*Кенг, равон кўчалар, кўркам бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади.*





## НАЗМ

# АЁЛНИ АРДОҚЛАНГ!

**«Аёл» деб ёзолмай чўғ бўлди қалам,**
**Аёлнинг қалбида меҳр кучли-да.**
**Таърифин этолмай гунг қолдим мен ҳам,**
**Кўзида мавж урар сеҳр кучли-да.**
**Сеҳрида меҳри бор, меҳрида сеҳр —**
**Аёлни ардоқланг!**
**Аёлсиз уй уйми, диёрми диёр?**
**Аёлсиз ҳаёт ҳам бўлурми ҳаёт?**
**У — момо, у — она, у — сингил, у — ёр,**
**У — юртнинг бешигин тебратувчи зот.**
**Паридай гул, гулдай парини асранг,**
**Аёлни ардоқланг!**
**Тўмарис бўлиб у кирди жангларга,**
**Жанна д'Арк бўлди у чўчитмас ўт ҳам.**
**Уни деб Фарҳод бош урди сангларга,**
**Уни деб Мажнунлар чекмишдир алам.**
**Шириндан-да ширин, ширindaй Ширин,**
**Аёлни ардоқланг!**
**Қишлоқи боламан, Масиҳ эмасман,**
**Насроний эмасман, яхши биламан.**
**Муслимман, мен уни Худо демасман,**
**Лек унга тиз чўкиб сажда қиламан.**
**Маккадай муқаддас, мадам Мадонна**
**Аёлни ардоқланг!**

* * *

**Мен туш айтган зилол сувлар оқиб кетди,**
**Энди қайси сувга айтай тушларимни?!**
**Кимнинг ҳушин олмоқдасиз, ўғри пари,**
**Ўғри пари, қайтиб беринг ҳушларимни.**

**Ўша дамлар сизни чиндан севармидим,**
**Ёхуд фақат севганмидим ўзни ўзим,**
**Билмам, лекин билганим шу: ҳар қалай сиз**
**Тополмайсиз кўчангиздан энди изим.**

**Бир замонлар... сизни дилдан севган эдим,**
**Ҳозир ўша муҳаббатдан тонолмайман.**
**Аммо, ҳамон ошиқсан, деб таъна қилманг,**
**Энди сизни севмоғимни тан олмайман.**

**Ўша дамлар... олам жуда гўзал эди,**
**Олгандингиз билдирмасдан эс-ҳушимни.**
**Қолиб кетмасин қафасларда, ўғри пари,**
**Ўғри пари, қайтиб беринг оқ қушимни.**

**Азизбек ҲАКИМОВ,**
**иқтидорли болалар лицейи ўқувчиси,**
**Чортоқ шаҳри.**

## БЕКА

### Шоколадли торт

**Масаллиқ:** 400 грамм сариёғ, 1 банка қуйилтирилган сут, 4 та тухум, 2 чой қошиқ какао, 1 стакан ун.

**Тайёрлаш:** 4 та тухум сариғи билан ярим стакан шакарни аралаштириб, 200 грамм сариёғ, ун қўшилади. Хамирни 3 га бўлиб пиширилади.

**Крем тайёрлаш:** 4 та тухум оқи ярим стакан шакар билан обдон кўпиртирилади ва 1 стакан шакар мағзи қўшилади. Кремни 2 га бўлиб, кулчаларнинг усти ва ён томонига суртилади. 3-кулчага шоколад креми суртилади. Шоколад кремини тайёрлаш учун 1 банка қуйилтирилган сут, 200 грамм сариёғ ва 2 чой қошиқ какао аралаштирилади.

### Печеньели торт

**Масаллиқ:** 3 дона тухум, 1 стакан шакар, «Крокет», «Школьное» печеньеси (14 дона), 0,5 чой қошиқ ваниль шакари, 1 чой қошиқ талқон, 3/4 стакан майдаланган ёнғоқ мағизи.

**Тайёрлаш:** Тухум оқи шакар билан обдон кўпиртирилади. Майдаланган печенье ёнғоқ мағизи билан аралаштирилиб кўпиртирилган тухум оқига қўшилади. Унга ваниль шакари солинади. Ёғланган ва устига талқон сепилган қолипга хамир солиб, иссиқ духовкага қўйиб 45 дақиқа давомида 180-220 даражадаги ҳароратда пиширинг. Пишган тортга крем суртиб, совутгичга қўйинг. Устини қирилган шоколад билан безанг.

### «Ёқимтой» торти

**Тайёрлаш:** 150 грамм сариёғни 3 та тухум сариғи, 100 грамм шакар уни билан обдон кўпиртириб, 250 грамм ун қўшиб, хамир қорилади. Ёғланган қолипда ўртача оловда пиширилади.

**Креми:** 3 та тухум оқи 150 грамм шакар уни билан кўпиртирилади.

**Азиза МУҲАМЕДОВА тайёрлади.**

## ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

# Хурмо — кўп дардга даво

***Маълумки, тупроғи муқаддас, юрти обод, тоғу тошлари мўътабар, сувлари шифобахш гиёҳлари даво, қушлари сернаво, кузлари олтин — олтин куз деб аталмиш фаслда меҳмондўст халқимиз дастурхонини безаган, татисанг тилларни ёргудай 1001 хил меваларининг таърифини ёзиш учун шоир бўлиб туғилмоқ даркордир.***

Ўша Ат-Термизий она-юрти тупроғида ўсиб, 20 га яқин тури мавжуд хурмо ҳақида икки оғиз ёзмоқни жоиз топдим.

Шуни айтиш керакки, 20 йиллар аввал Тошкентда нафақат хурмо, ҳатто ўрик ҳам камайиб қолди. Ундан ҳам аввал буюк адиб устоз Абдулла Қаҳҳор Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманига борганида Эргаш Жумаев хонадонида азиз меҳмон бўлиб, ҳовлидаги ҳосили кўзни олгудай, 3 кунлик келин мисол эгилиб турган хурмо дарахтини кўриб ҳангу манг бўлиб қолган эдилар.

Эртасига устоз Абдулла Қаҳҳорга бир жуфт хурмони марҳум Раҳмон Тўраев кеч куз эсдалик учун ўқ илдизини тоққайчи билан кесиб, экишга ҳозирлаб бериб, тавозе билан Тошкентга кузатишган эди.

Адиб Кибриёхон опа билан маслаҳатлашиб:

— Хоним, бу хурмо дегани жой танлар экан, жойини топса ўрик, олма дарахтидай бўлиб кетаркан. Мана буни татиб кўринг-а, худди жаннат мевасининг ўзгинаси, худди новвотнинг ўзи-я, — деган эканлар.

Кейинги 5-10 йил ичида Тошкентда хурмо экиш удумга айланди. У энди шароитга мослашди. Ҳозир минглаб ҳамшаҳарларимиз ҳовлиларида ўзининг турли: қизғиш, сариқ, лимонранг, президент каби ўнлаб навлари ўз ҳосилини кўзкўз қилиб, атрофга ўзгача кўрк, нафосат бағишламоқда. Хурмонинг 101 хосияти бор, деса ишонаверинг, балки устоз Абдулла Қаҳҳор хурмо шифобахшлигини билиб 30-35 йил аввал эккандирлар. Ҳозир республикамизнинг кўп вилоятларида хурмо ғарқ пишган палла. Аммо унинг шифобахшлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Хурмо шундай Оллоҳ яратган неъматки, унда инсон учун 20 га яқин керакли моддалар бўлиб, инсон саломатлигига хизмат қилмоқда.

Буни қарангки, унинг таркибида қонни кўпайтирувчи, саломатликни мустаҳкамловчи магний, темир, рух, мис сингари маъданлар борлиги ҳам аниқланган.

Умрининг 40 йилини терапевтика, невропатология илмига бағишлаган олий тоифали шифокор, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси поликлиникаси шифокори Мўътабар Азлархонованинг хурмо ҳақидаги маълумотига кўра, унда яна асабни тинчитувчи йод моддаси ҳам бўлиб, камқон, камқувват беморларга берилса, саломатлиги мустаҳкамланади. Яна бир хурмо тури ёввойи хурмони тановул қилинса қон босимини меъёрлаштириши ҳам аниқланган. Жарроҳ профессор Латифхон Нажмиддинов тажрибасига кўра, хурмонинг юмшоқ қисми пўсти билан ярага боғлаб қўйилса, йирингли яралар тузалиш жараёнининг фаоллашгани аниқланган.

Шунингдек, хурмо парҳез мева сифатида ҳам тановул қилинади.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино хурмо данагининг ични тозаловчи хусусиятини ҳам аниқлаган.

Хурмонинг яна ажиб шифобахш хусусиятларидан бири қарияларга вақти-вақти билан бериб турилса, қабзиятни бартараф этиб, бардамлаштиради.

Ҳа, турли ширинликлар, дори-дармонлар, витаминлар, маъданлар, металлар, олма кислотаси каби моддалар ўрнини босадиган хурмони авжи пишган палласида тановул қилиш фойдадан холи эмас.

Дарвоқе, хурмода 101 хислат борлигини унутманг.

Хурмо — кўп дардга даво.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**халқ таълими фидойиси.**

## САЛОМАТЛИК

# ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Куйдирги касаллиги жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, Ўрта Ер денгизи соҳили атрофларида жуда кенг тарқалган эди. Куйдиргидан ҳар йили миллионлаб уй ҳайвонлари нобуд бўлган, кўплаб одамлар касалланган. Куйдиргини қадимда «Муқаддас олов», «Форс олови» деб номлашган. Гиппократ бу касалликни антракс (antrax — кўмир маъносида) атаган. Бу касалликни даволаш учун табиблар темирни қиздириб ярани куйдирганлар. Шунинг учун халқ унга «куйдирги» деб ном берган.

Куйдирги касаллигининг манбаи уй ҳайвонлари, асосан йирик ва майда шохли ҳайвонлар, шунингдек отлар, туялар, чўчқалар ҳисобланади.

Куйдирги билан оғриган ҳайвонлар касаллик микробларини ахлати ва сийдиги билан ташқарига чиқаради. Касаллик одамларга турли йўллар билан, яъни мулоқот, оғиз, ҳаво ва ҳашаротлар орқали юқади.

Куйдирги бактерияси билан ифлосланган сувни ичиш, озиқ-овқат маҳсулотларини етарлича ишлов бермасдан истеъмол қилиш касалликни келтириб чиқариши мумкин.

Организмга куйдирги микроблари тушиб, дастлабки клиник аломатлари пайдо бўлгунга қадар ўтадиган давр яширин давр деб аталади ва у 6-8 кунгача чўзилади, ўртача 2-3 кун давом этади. Куйдиргининг тери, ўпка, ичак ва қонга ўтган (септик) турлари маълум. Касалликнинг тери шакли бошқаларга қараганда кўпроқ учрайди ва кўпинча беморнинг юзида, бўйнида, қўлларида учрайди. Куйдирги микроби тери орқали организмга тушгач, дастлаб қизил доғ пайдо бўлади, кейинчалик бу жой қичишиб, тугунчага айланади, у теридан сал бўртиб туради ва кумушсимон-қизғиш тусда бўлади. Орадан 12-24 соат ўтгач тугунча катталашиб пуфакчага айланади. Пуфакча ичида қон аралаш сарғиш суюқлик бўлади. Бемор уни қаттиқ қашиганда пуфакча ёрилиб, ўрнида яра пайдо бўлади, бу яра тезда қотиб, қурийди ва қўнғир рангли қора қўтир билан қопланади. Қора қўтир оғримайди, лекин аста-секин катталашиб боради.

Яра пайдо бўлган даврда атрофдаги тери шишади ва иккиламчи пуфакчалар пайдо бўлиб, атрофида тўқ қизил йўғон гардиш ҳосил бўлади. Яра бўйин ва лабда бўлса шиш юқори нафас йўлларига ҳам тарқалиши мумкин. Бу вақтда беморнинг аҳволи оғирлашади, нафас олиши қийинлашади, у ҳаво етишмаслиги натижасида тез-тез нафас олади.

Куйдиргининг ичак тури тўсатдан бошланиб, ҳарорат 39-40° С гача кўтарилади ва касаллик оғир кечади. Беморда кучли заҳарланиш, қаттиқ оғриқ, қон аралаш қусиш ва ич кетиш кузатилади. Беморнинг томир уриши тезлашади, қон босими пасайиб кетади. У ҳансирайди, жигари ва талоғи катталашади, бетоқат бўлади, алаҳлайди, ҳушидан кетади. Баъзан қорин пардаси яллиғланиб кетади.

Куйдиргининг ўпка тури тўсатдан бошланади ва жуда оғир кечади. Беморнинг ҳарорати 40 С° гача кўтарилади, у титраб-қақшайди. Кўкрак қафасида кучли оғриқ туради, жуда беҳол бўлади, қусади ва қон аралаш балғам ташлайди.

Бу касалликка шубҳа қилинганда, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш шарт. Бемор касалхонада алоҳида хонага ётқизилиши керак. Унинг уйида дезинфекция ишлари олиб борилади. Беморга яқин юрган кишилар 8 кун давомида тиббиёт назорати остида бўладилар.

**Ҳайитбой ЛАТИПОВ,**
**Саломатлик институти директори ўринбосари,**
**тиббиёт фанлар номзоди,**
**олий тоифадаги шифокор.**

## МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

# Сиз гўзалсиз!..

**Аёлларнинг ҳамма замонларда ҳам нафосатга интилганликлари бежиз эмасдир. Зеро, гўзалликка интилиш саломатликка, покизаликка интилиш демакдир.**

**Кўз.** Кўз инсоннинг ички оламини ифодалайди. Дилингизда қандай ўй-фикрлар ёки ғалаёнлар кечаётганлигини кўзларингиз сўзлаб туради. Чиройли кўзлар эса гўзалликни янада оширади.

- Қадимда кўзи қизарган одамлар аччиқ чойга ювишган, шама боғлашган. Мойчечак дамламасида чайишнинг самараси ҳам тажрибаларда синалган.
- Ёзув-чизув билан кўп ишлаб кўз толиққанда мойчечак ёки петрушка дамламасида кўзлар чайилса чарчоқ йўқолади.
- Агар кўз тезда толиқса, бир стакан қайнатиб илитилган сувга ярим чой қошиқ туз солинади. Худди шундай миқдорда совуқ сув ҳам олинади. Бармоқларни аввал совуқ, сўнг илиқ сувга ботириб кўзларни юмиб силанади. Фақат кўзлар қаттиқ босилмайди.
- Кўз равшанлигини ошириш учун ўсма сувидан тортиш, чарвидан тайёрланган сурма суриш яхши фойда қилади.
- Олтин кукунини кўзга сурилса, кўз нурини оширади.
- Сурма кўзга қувват беради, ҳар хил офатлардан асрайди.
- Алоэдан истеъмол қилиб юрилса, кўз нурини кўпайтиради.
- Сут кўзга сурилса, кўриш қувватини оширади.
- Занжабил кўзга сурилса, нурини кўпайтиради.

**Шоҳида МАҲМУДОВА тайёрлади.**

## БУ АЖИБ ДУНЁ

### Йўлга ёпишиб қолди

Милан — Венеция автомобиль йўлида камдан кам учрайдиган воқеа рўй берди. Ўнга яқин машина худди ерга ёпишиб қолгандек жойидан қўзғалолмасди. Аниқланишича, пластмасса ёпиштиришда ишлатиладиган суюқлик цистернадан ерга қуйилиб кетган экан. Полиция келиб, ерга махсус суюқлик тўккандан кейингина асфальт машиналарни «қўйиб юборди».

### Узум еб, «маст бўлди»

Исроилнинг Хацев шаҳрилик 30 ёшли ҳайдовчи Арью Бемберт кечқурун бир оғайнисининг уйига кирди. У ерда ғарқ пишган узумдан тўйганича еди. Сўнг йўлга чиқди. Йўлда эса полиция тўхтатди ва ичиб олиб машина бошқаргани учун... Арью бўлса, «арақ у ёқда турсин, ҳатто пиво ичмаганман» дея ишонтиришга роса уринди, қасам ҳам ичди. Ҳақиқатан ҳам у ичмаган эди. Лекин полиция барибир жазолади. Чунки тиббий асбоб Арью ичганлигини исботлаб, тўғрироғи тасдиқлаб турарди.

Кейин маълум бўлишича, Арью истеъмол қилган узум ошқозонда тез бижиган ва винога айланган. Натижада Арью бироз сархуш бўлган.

### Ўзи битта, номи тўртта

Малайзиядаги энг катта дарёнинг узунлиги 120 километр бўлиб, номи тўрттадир. Дарёнинг дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли Бетис деб атайди. Ундан кейинги 44 километри Нингири, яна 44 километри Галас ва сўнгги, Жанубий Хитой денгизига қуюлувчи қисми Келантан деб аталади.

### Рулда — илон!

Колумбиянинг Мараканбо шаҳрида илон туфайли марказий кўчада автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолди. Серҳаракат кўчалардан бирида кетаётган Мигель Урданет деган киши ўз машинасида кетаётиб, елкаси оша нимадир сирғалиб тушаётганини сезиб қолган. Бу узунлиги уч метрдан зиёд бўлган заҳарли илон экан. Ҳайдовчи эсанкираб тез кетаётган машинанинг эшигини очгану ўзини кўчага отган. Рулига илон чирмашиб олган машина эса йўлда давом этиб, светофорда тўхтаб турган машинага бориб урилган. Зудлик билан чақирилган ўт ўчирувчилар командаси «қоидабузар»ни зўрға тўрт соатда машинадан суғуриб олишган.

### Мана буни омад деса бўлади

Кипрлик Хараламбос Хрисилиунинг омади бир келганда бароридан келди. Бир ҳафта ичида давлат лотереясидан 2 марта 35 минг Кипр фунтидан (тахминан 150 минг АҚШ доллари) ютуқ чиқди. Ҳисобчиларнинг фикрича, бу жуда ноёб ҳодиса. Чунки бундай тасодиф эҳтимоли 109 миллиард ҳолатдан биттасида юз бериши мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-3007. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6